

Ishonch

2019 йил 10 октябрь • пайшанба • № 124 (4253)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ ЯНГИ ҚИЁФАДА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Олмазор туманида барпо этилаётган «Olmazor business city» ишбилармонлик маркази қурилиш майдонига ташриф буюрди.

Туркиянинг «Mesa mesken» компанияси томонидан бунёд этилаётган замонавий ишбилармонлик марказининг умумий қиймати 135 миллион долларни ташкил этади. Қурилиш ишлари жорий йил февраль ойида бошланган бўлиб, бунинг учун 23,5 гектар ер ажратилган.

Лойиҳа 6 та лотга бўлинган бўлиб, биринчи ва иккинчи лотлар савдо ва кўнгилочар масканларни қамраб олган. Уч, тўрт ва бешинчи лотларда 9, 12, 13, 18 ва 30 қаватли турар жойлар қад ростлайди. Олтинчи лотда 300 ўринли мактабгача таълим муассасаси ҳамда 500 ўринли мактаб қурилиши кўзда тутилган.

Янги Олмазор кўчаси ва Кичик халқа йўли ўртасидаги ҳудудда қурилаётган ушбу мавзеда 2 минг 100 та хонадонли 28 та кўп қаватли уй бунёд этилади. Ушбу турар жойларнинг биринчи қаватида 70 та савдо дўкони жойлашади. Аини пайтда ишбилармонлик марказида қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, комму-



никация тармоқлари, йўл инфратузилмаси, яшил ландшафтларнинг жойлашувига эътибор қаратди. Ҳудуднинг 4 гек-

тар қисмида қурилиш ишлари амалга оширилса, 16 гектар майдон кўкаламзорлаштирилади. Қичқириқ канали бўйидаги

қарийб 3,5 гектар ҳудудда кўнгилочар масканлар барпо этилади.

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10-11 октябрь кунлари Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

president.uz

«Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

Президентимиз «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чеқди.

uza.uz

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

uza.uz

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Нияти улўғ халқнинг иши ҳам улўғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади» номли янги асари нашрдан чиқарилди.

uza.uz

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

uza.uz

Баҳромжон Ҳайдаров Андижон шаҳар ҳокими лавозимига тайинланди.

kun.uz

Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси Шукржон Зухуров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов ҳамроҳлигида 8 октябрь куни Самарқандда бўлди.

uza.uz

Давлат активларини бошқариш агентлиги «Матбуот тарқатувчи» АЖнинг устав фондидаги 26,0 фоиз давлат акция пакетини биржа савдоларига қўйди.

kun.uz

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссияси гуруҳининг видеоконференцалоқа шаклидаги йиғилиши ўтказилди.

uza.uz

Олтин сандиқ

Ўзбек тилини ўрганамиз

Тилимиз билан фахрланамиз. Тилимиз бой, деймиз. Аммо сўзлашишда бу фахр бизни тарк этади. Ишонмасангиз, мана бу «луғат»га эътибор қилинг:

Бозорга борганда...



- Почин – бай очил,
- Здачи – қайтим,
- Билет – чипта,
- Оптом – улгуржи,
- Сазан (балиқ) – зоғорабалиқ,
- Толстолоб (балиқ) – дўнпешона (балиқ),
- Морожни – музқаймоқ,
- Ремень – қайиш,
- Размер – ўлчам,
- Распродажа – арзонлашган,
- Переделка – қисқартиш,
- Коробка – қути,
- Ассортимент – тур, хил,
- Материал – мато,
- Пакет – халта,
- Продукта – озиқ-овқат... ва ҳ.к.

PS: «Ishonch» газетаси таҳририяти «Олтин сандиқ» руқнида «Ўзбек тилини ўрганамиз» мавзуда тилимизда мавжуд, аммо сўзлашувда деярли ишлатилмай кўйган сўзларимиз луғатини тузмоқда. Бугунги луғатни «Бозор»дан бошладик.

Азизлар! Ушбу ташаббусда сиз ҳам фаол иштирок этинг ва турли мавзулар бўйича сўзларни топишга кўмаклашинг. Бунинг учун топган сўзларингизни

xatlar@ishonch-doverie.uz

электрон почтаси ёки телеграмдаги

@ishonch_gazetasi

манзилга жўнатишингизни сўраймиз. Кейинги мавзудимиз – овқатланиш. Бошладик бўлмаса: бугундан эътиборан ўз тилимизда сўзлашишга ўтамиз.

Биз билган, билмаган тарих

Очиқ осмон остидаги музей


ёхуд Эллиққалъа қалъаларининг сирли садолари дунё сайёҳларини ўзига чорлайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йилнинг август ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида ҳудуд фаоллари билан бўлган учрашувда туманларни халқ хўжалигининг маълум бир соҳасига ихтисослаштириш таклифи илгари сўрилган, хусусан, Эллиққалъа туманини узумчилик ва туризмга ихтисослаштириш қайд этилганди.

Хозирда Эллиққалъа тумани ҳоқимлиги тегишли идоралар ва мутахассислар билан ҳамкорликда туман ҳудудида туризмни ривожлантиришга оид давлат дастури ҳамда сайёҳлик маршрути ишлаб чиқмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Очиқ осмон остидаги музей», дея таъриф бериладиган туманда ушбу соҳаларни тараққий эттириш учун мустаҳкам пойдевор бор. Жумладан, бой тарих.

Эллиққалъа тумани ҳудудида археологик ёдгорликлар – кўҳна қалъалар кўп. Бозорқалъа (тахминан Нузкот), Оқ-чахонқалъа, Тупроққалъа (Даржош), Кот-Фирқалъа, Аёзқалъа, Яккапор-сангқалъа, Гулдурсинқалъа, Бургутқалъа, Қаватқалъа, Қирққизқалъа, Эллиққалъа каби тарихий ёдгорликларнинг тадқиқи уларнинг қадимий цивилизация ўчоқлари бўлганини намоён этади. Хусусан, бугунги кунгача дунё олим-



лари ва сайёҳларини ҳайратга солиб келаётган Тупроққалъа кўҳна юртимиз илм-фани, маданияти, санъати, ҳунармандчилиги ҳамда меъморчилигининг тилсиз гувоҳи ва ишончли археологик тарихий манбадир.

4>

Давра сўхбати

МАТБУОТНИНГ ОҒРИҚЛИ МУАММОЛАРИ

ёхуд бугунги босма ОАВ ривожига нималар тўсқинлик қилмоқда?

Илгари ҳар бир уйга газета-журналлар кириб борган. Бугун бу ҳолат гўё тарихга айланаётгандек. Сабаби, интернет ва ижтимоий тармоқлар аҳборот эҳтиёжимизни қондирмоқда. Аммо улардаги сараланмаган маълумотлар болалар тугул катталарнинг ҳам дунёқарашини ўзгартириб, мақсадни тўғри белгилашдан чалғитмоқда. Хўш, муаммо нимада? Матбуотни тобора домига тортаётган молиявий инқироз ёқасидан олиб чиқиш, матбуот тарқатиш тизимида юзага келган оғир вазиятни ўнглаш ва алаҳ-оқибат босма нашрларнинг хонадонларга етиб бориши, одамлар маънавиятини оширишга хизмат қилиши учун нималар қилмоқ керак? Мамлакатимизнинг етакчи нашрлари бош муҳаррирлари, тажрибали ва жонқуяр журналистлар иштирокида бўлиб ўтган давра сўхбатида ана шу саволларга жавоб изланди.



Ҳаётбахш қарорга эҳтиёж бор



Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ, «Хуррият» газетаси Бош муҳаррири:

– Матбуотимизнинг бугунги вазияти кеча ёки бугун пайда бўлиб қолгани ўқ. У 20-30 йил давомида секин-аста, муаммоларга муаммолар қўшилиб, ҳозирги аҳволга келиб қолди. Кейинги йилларда эса айрим электрон нашрларнинг «мажбурий» деган таъми соҳада босма нашрларни нобир тартиб-ташвиқ этиши оқибатида жамиятимизда нотўғри қарорлар юзага келди. Шундай вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги босма нашрлар бўйича Ҳукуматнинг янги қарор лойиҳасини тайёрлашга киришганини ўринли ва бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири деб ҳисоблайман. Шу боис, мазкур меърий ҳужжатбосма нашрлардаги вазиятни ўнглайдиган ҳаётан қарор лойиҳаси бўлиши учун матбуот тарқатиш, муассислар масъулиги, ҳукуматнинг журналист кадрларни қўллаб-қувватлаши каби масалаларни қамраб олиши зарур.

ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ ЯНГИ ҚИЁФАДА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА



Президентимиз хонадонлардаги шароитларни кириб қўрди. Кенг, бахаво квартираларда барча қулайликлар муҳайё этилган. Меҳмонхона, ошхона, катталар ва болалар ётоқхоналарининг жойлашуви, замонавий дизайни эътиборни тортади. Турар жой мажмуасининг афзалликларидан яна бири – хонадонлар яшаш учун тайёр ҳолда сотилади. Уйларнинг ташқи қисмида базальт иситиш қопламасидан фойдаланилмоқда, ҳар бир хонадонга алоҳида иситиш тизими ўрнатилади. Ишбилармонлик марказини 2021 йил охирида тўлиқ фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

– Уйлар сонини кўпайтириш, энергияни тежаш орқали турар жойлар нархини арзонлаштириш керак. Бунинг учун қурилиш материаллари, базальт толаси ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириб, ҳар бир ҳудудга етказиб бериш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бунёдкорлик ишларининг бориши, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланилаётгани, уйлар ҳам тўлиқ юртимизда ишлаб чиқарилган маиший техника ва мебеллар билан жиҳозланиши таъкидланди.

– Қуриш бу биринчи қадам. Асосийси – малякали эксплуатация. Уйларга, одамларга сифатли хизмат кўрсатиш, муҳандислик ускуналаридан самарали фойдаланиш зарур, – деди давлатимиз раҳбари қурувчи ва мутасаддилар билан суҳбатда.

Шу ерда Олмасор тумани фаоллари билан мулоқот бўлди. Аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

Ҳар бир ҳудуд шароитига қараб чекка туманларда ҳам сифатли, арзон ва хавфсиз уйлар барпо этиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Президентимиз ўтган йили 29 июнь кунини Олмасор тумани аҳолиси билан мулоқот чоғида Тошкент чинни заводини қайта тиклаш зарурлигини таъкидлаган эди. Ўтган қисқа вақтда ушбу ташаббус амалга ошди, замонавий чинни заводи барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонани бориб кўрди.

Бир пайлар Ўзбекистон чиннисининг доғруғи бутун жаҳонга танилган. 1952 йилда қурилган Тошкент чинни заводидида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар халқаро кўргазмаларда совринли ўринларга сазовор бўлган, кўплаб мамлакатларга экспорт қилинган. Масалан, Ўзбекистон халқ рассоми Ёқуб Қорибоевнинг «Оқ олтин» – халқ тилида пахта гулли чинни номи билан машҳур тўплами Лейпциг шаҳрида, рассом Анвар Нўрмоновнинг «Тонг» тўплами Загреб шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда олтин медал билан тақдирланган.

Мустақиллик йилларида Тошкент чинни заводи ғоят ачинарли аҳволга келиб қолганди.

Заводга 98 фоиз хомашё четдан келтирилган. Бу таннархга таъсир этган. Ишлаб чиқариш замон талаблари асосида ташкил этилмагани, бозор ўрганилмагани, асосийси, маҳсулот таннархи қимматлиги боис корхона 2005 йилга келиб фаолиятини бутунлай тўхтатди.

Нафис керамика маҳсулотлари саноят тармоғида ўйламасдан амалга оширилган хусусийлаштиришдан сўнг юзага келган оғир аҳвол боис мамлакатимизга чинни буюмлар асосан четдан келтириляётган эди.

Ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган талабни қондириш ва маҳаллий чинни саноятини яна тиклаш мақсадида бундан бир неча йил аввал Термиз туманида «Сурхон Термиз чинни» МЧЖ ташкил этилди. Бу ерда бугунги кунда эллика яқин турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқарилиб, маҳсулотнинг бир қисми қўшни Афғонистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда. Хомашё Сурхондарё вилоятидаги Жерданак каолин конидан олинади. У хориждаги каолин хомашёси билан бемалол рақобатлаша олади.

Тошкент чинни заводи бу борадаги изланишларнинг навбатдагиси бўлди. Аҳамиятисига, илгариги заводдан фарқли равишда янги корхона 100 фоиз маҳаллий хомашё асосида ишлайди. Хусусан, гил тупроқли сланец Жерданак конидан, кварц куми ва дала шпати Самарқанд вилоятидаги Ингичка конидан, доломит Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод ва Ғузор туманларидаги конлардан келтирилади. Бу маҳсулот таннархи анча арзон бўлади, деганидир.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, завод фаолиятини қайта тиклаш мақсадида «Алоқабанк» томонидан умумий қиймати 87 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилди. Фойдаланилмаётган объект реконструкция қилиниб ҳамда қўшимча бинолар қурилиб, Хитойнинг «Huanguang Huauao Zhongbo Klin Technology Co. Ltd.» компанияси ускуналари қўрилди. 300 иш ўрни яратилди.

Шу кунларда ишга туширилаётган корхонада ошхона идишлари, сувенирлар, биноларнинг ички безакларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Завод уч ярим йилда ўзини оқлайди. Маҳсулот импорт ўрнини тўлдириб, Россия, Украина, Грузия, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатларига экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари янги корхона цехларини кўздан кечириб, маҳсулот тайёрлаш жараёни билан танишди.

– Бу завод Ўзбекистоннинг фахри, – деди Шавкат Мирзиёев. – Илгари мамлакатимизга

меҳмон келса ёки юртдошларимиз чет элга борса, шу завод тўпламларидан совға қилинарди. Энди ушбу янги корхона ундан ҳам чиройли, сифатли ва қадрли маҳсулотлар тайёрлаши керак.

Мутасаддилар билан суҳбатда завод фаолиятини кенгайтириб, кластерга айлантириш, янада кўп хотин-қизлар ва ёшларни ишга жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

– Мамлакатимизда шунча уйлар қуриляпти, одамларнинг ҳаёт сифати ўзгаряпти, – деди Президент. – Янги уйга кўчган ҳар бир оила албатта чинни буюмлар сотиб олади. Юбилейлар, фестивалларга бағишланган, совға учун тўпламлар ҳам чиқариш мумкин. Бунинг учун дизайн устида ишлаш, бозор талабини ўрганиб, олимлар ва технологлар билан ҳамкорликда замонавий маҳсулотлар тайёрлаш, янги брендлар яратиш керак. Масалан, миллий нақшларимиз, сўзналаримиз бу борада катта манба бўла олади.

Давлатимиз раҳбари корхона ҳузурида ташкил этилган чинни буюмлар музейини кўздан кечирди. Заводда ишлаган меҳнат фахрийлари билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган саноят ва инвестиция лойиҳалари тақдироти ҳам ўтказилди. Президент экспортни ривожлантириш, ташқи савдо амалиётларини энгиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳри учун замонавий мультимодал логистика маркази ташкил этиш таклифини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев, шунингдек, «Tashkent City» халқаро ишбилармонлик марказининг қуриб битказилган илк объекти – Конгресс холл ва «Hilton» меҳмонхонасини бориб кўрди.

«Tashkent City» бизнес марказлар, меҳмонхоналар, офислар, кўп қаватли уйлар, ресторанлар ва бошқа объектиларни ўз ичига олган замонавий шаҳарча бўлади.

Президентимиз жорий йил 14 март кунини «Tashkent City»да амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишган ва Конгресс холлинги асосий зали, ҳар бир хонасини кўздан кечириб, уларнинг қандай безатилиши, жиҳозланиши, меҳмонлар учун қулай шароит яратилиши, халқаро саммитлар чоғида кўплаб делегациялар қатнашишни инобатга олиб, юқори мартабали меҳмонлар ва иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиши, дам олиши учун кенг имкониятлар яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ушбу кўрсатмалар асосида «Tashkent City» ҳудудидаги қурилиш ишлари 7 лотга бўлинган ҳолда амалга оширилмоқда. Конгресс холл ва «Hilton» меҳмонхонаси бешинчи лотда барпо этилган.

Конгресс холл биноси давлатлараро музокаралар ва учрашувлар ўтказишга мўлжалланган. Бинонинг умумий майдони 43 минг квадрат метр. Биринчи қаватда 3,5 минг нафар иштирокчига мўлжалланган катта конференциялар зали, хорижий давлатлар раҳбарлари алоҳида ишлаши учун хоналар, музокаралар учун заллар, ресторан, кичик концерт зали, учрашувлар ва дам олиш хоналари мавжуд. Иккинчи қаватда қўшимча мажлислар хоналари жойлашган. Биринчи қават замонавий дизайнда, иккинчи қават эса классик услубда қурилган. Йўлақлар юртимиз рассомларининг энг сара асарлари билан безатилган. Яна бир эътиборли томони йўлақларда Тошкентнинг 12 қадимий дарвозаси калити ўзига хос дизайнда қўйилган.

Давлатимиз раҳбари Конгресс холлинги ҳар бир хона ва залларини кириб кўрди.

Беш юлдузли «Hilton» меҳмонхонасининг умумий майдони 51 минг квадрат метр. 21 қаватли ушбу иншотнинг баландлиги 85,5 метр. 258 та номер мавжуд. Пардозлаш ва жиҳозлашда замонавий дизайн ва ёрқин ранглар кенг қўлланилгани кишига хуш ёқади. Барча замонавий меҳмонхоналарда бўлгани каби бу ерда ҳам бир нечта ресторан, бассейни, спорт зал, спа ва бошқа салонлар бор. Хизматлар тури кўп, сифати юқори даражада.

Шавкат Мирзиёев меҳмонхонада яратилган шароитлар билан танишиди, ҳудуд марказидаги хиёбонни кўздан кечирди.

«Tashkent City»да қурилиш ишлари давом этмоқда. Бу ерда 8, 9, 20, 21, 26, 28, 30, 33, 51 қаватли турар жойлар, меҳмонхона бинолари, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, минглаб машиналар учун мўлжалланган ер ости автомобиль турар жойлари, болалар боғчаси ва соғломлаштириш маркази барпо этилади.

Нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда янги, замонавий қурилиш технологиялари асосида барпо этилаётган «Tashkent City» кўркамлиги ва муҳташамлиги билан дунёнинг энг гўзал шаҳарлари билан бўйлаша олади.

Умар АСРОРОВА,
Матназар ЭЛИМУРОВА,
Алоуддин ҒАФФОРОВ,
ЎЗА мухбирлари

Қашқадарё вилояти

Фаолиятга назар

Ишчанлик кайфияти омиллари

«Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамиятида 480 нафар ходим меҳнат қилади. Корхонада ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. «Маънавият хонаси», спорт зали, мини-футбол майдончасидан унумли фойдаланиляпти. Халқаро хотин-қизлар кунини, Наврўз, Хотира ва қадрлаш кунини, Мустақиллик байрамларида маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, уларда жамоа аъзоларидан ташкил топган муסיқий гуруҳ фаол иштирок этади. Хотин-қизлар ўртасида турли кўрик-танловлар ташкил этилиши ҳам ишчанлик кайфияти ортишига хизмат қилмоқда.

Корхона жамоаси кўплаб спорт мусобақаларида фаол қатнашаётир. Яқинда Муборак туманидаги турдош корхоналар, ташкилот ва мутасаддилар ўртасида ўтказилган мини-футбол бўйича мусобақада жамоа учинчи ўринни эгаллади.

Ходимларни вақти-вақти билан юртимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатларга олиб бориш анъанага айланган. Шунингдек, соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида 55 нафар ходимга турли сиҳаттоҳларга йўланмалар берилди. Бундан ташқари, тумандаги «Маржон» сиҳаттоҳида 25 нафар ходим саломатлигини тиклади.

Сирасини айтганда, касабани уюшмасининг фаол саъй-ҳаракатлари жамоанинг ишчанлик кайфиятини ошириб, меҳнат унумдорлигини юксалтирмоқда.

Ташболта АВАЗОВ,
«Муборак иссиқлик электр маркази» АЖ касабани уюшмаси раиси

Тошкент вилояти

Нуронийлар эъзозда

Тошкент вилояти касабани уюшмаси октябрь ойининг биринчи ҳафтаси – «Кексалар ҳафталиги» доирасида қатор тадбирларни ўтказди.

Хусусан, Ўрта Чирчиқ тумани «Қурамаовул» маҳалласида яшовчи 85 ёшли фахрий ўқитувчи, Халқ таълими аълочиси Неъмат Маждидовнинг хонадонига йўл олинди. Тумандаги 3 мактабда 30 йилдан ортиқ математика фани ўқитувчиси, 1984-1997 йилларда Таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюшмаси Ўрта Чирчиқ тумани кенгаши раиси вазифини фаолият олиб борган устоз бу ташрифдан чексиз миннатдор бўлди. Умуман олганда, ҳафталик доирасида вилоятдаги 567 нафар фахрийларнинг ҳолидан хабар олинди.

Шахноза ОДИЛХОНОВА,
Тошкент вилояти касабани уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Эсда қоларли саёҳат

– Қадимий ва навқирон Бухорога саёҳат бир умрга татиғулик бўлди, – дейди «Оҳангароншифер» акциядорлик жамияти ишчиси Адҳам Низомиддинов. – Анчадан буён Бухорони кўришни орзу қилардим. Ишдан ортиб, рўзғор ташвишлари билан бўлиб имкон топилмасди. Мана зиёратни бепул уюштиришди, азаматлар. Корхона жамоа шартномасида шундай банд бор экан. Касабани уюшмасига аъзо бўлиш афзаллигини энди чуқур тушуниб етдим.

Яқинда «Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятининг ўн олтинчи йиллик юбилейи билан шундай имтиёздан баҳраманд бўлди. Улар Бухоронинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, бир олам таассуротлар олишди. Машҳур Лаби Ҳовузда бир пиёла чой баҳорасида ташкил этилган тадбирда хорижий сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Корхона касабани уюшмаси бир гуруҳ илғорлар учун навбатдаги саёҳатини шу ойда мафтункор Самарқандга ташкил этиш тадбирини режалашди.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
«Оҳангароншифер» АЖ касабани уюшмаси раиси

Ҳафталик

Очиқ мулоқотлар

Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган Ёшлар оромгоҳида «Меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат қонунчилиги соҳасига оид муаммолар ва уларнинг ечимини» ва «Касабани уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти тўғрисида ўқув-семинар ҳамда «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спорт тадбирлари ўтказди. Унда тизимга қарашли Тошкент шаҳрида жойлашган вазирликлар, корхона ва ташкилотларнинг 55 нафар бошланғич касабани уюшмаси раислари ва фаоллари иштирок этди.

Таассурот

Ўқув

Очиқ мулоқотлар

Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган Ёшлар оромгоҳида «Меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат қонунчилиги соҳасига оид муаммолар ва уларнинг ечимини» ва «Касабани уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти тўғрисида ўқув-семинар ҳамда «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спорт тадбирлари ўтказди. Унда тизимга қарашли Тошкент шаҳрида жойлашган вазирликлар, корхона ва ташкилотларнинг 55 нафар бошланғич касабани уюшмаси раислари ва фаоллари иштирок этди.

Тадбирда Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган Ёшлар оромгоҳида «Меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат қонунчилиги соҳасига оид муаммолар ва уларнинг ечимини» ва «Касабани уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти тўғрисида ўқув-семинар ҳамда «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спорт тадбирлари ўтказди. Унда тизимга қарашли Тошкент шаҳрида жойлашган вазирликлар, корхона ва ташкилотларнинг 55 нафар бошланғич касабани уюшмаси раислари ва фаоллари иштирок этди.

Саодат КАРИМОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси мутахассиси

МАТБУОТНИНГ ОҒРИҚЛИ МУАММОЛАРИ

ёхуд бугунги босма ОАВ ривожига нималар тўсқинлик қилмоқда?



Хусан ЭРМАТОВ,
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири:

— Энг аввало, газета етиб бориши зарур бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари, уларнинг ҳудудий бўлимлари, туманлардаги ташкилотлар, таълим, маҳалла, соғлиқни сақлаш, бошқа кў-



Мухаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фаргона вилояти бўлими раиси:

— Биз яқинда ҳудди шу мавзуда вилоятимизда «Фаргона Пресс клуби»нинг навбатдаги сессиясини ўтказдик. Унда босма нашрларни жойларга, обуначиларга етказиб бериш масаласи чидаб бўлмас даражада оғир аҳволга келиб қолганининг гувоҳи бўлдик. Тадбирга «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг Фаргона вилоят бошқармаси бошлигини таклиф этдик. Унинг айтишча, бир-икки йил олдин вилоят почта тизимида 1500 нафар ходим ишлаган бўлса, эндиликда 500 нафаргина ходим фаолият кўрсатаяпти, ҳоло. Бир нафар хабарчица 5 тадан қишлоқ тўғри келмоқда. Агар бир қишлоқда ўр-



Олимжон ЎСАРОВ,
«Нуроний» газетаси ва «Кенсалик гап» журнали бош муҳаррири:

— Хизмат юзасидан хорижий давлатларда бўлганимда босма нашрларнинг молиявий жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратаман. Биласизми, Хитой, Германия, Франция ва Япония каби дунёнинг ривожланган (айниқса, ахборот технологиялари соҳасида) давлатларида газеталарни давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириш амалиёти мавжуд. Нега бизда ҳали электрон нашрлар барча хонадонларга кириб бормаган бир пайтда бу тажрибадан фой-



Бернара СОДИҚОВА,
ИИВ Бирлашган тахририяти бош муҳаррири:

— Қалам ҳақи бўйича меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш ҳам соҳадаги муҳим ишларимиздан бири. Тахририятларни фойда солиғи, иккинчи ўнги инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан овоз эйтиш масаласи ҳам кўриб чиқилиши лозим. (Бу борада 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1672-сонли қарорда имтиёз белгилаб берилган эди).



Фахриддин КАРИМОВ,
«Ёшлар овози» газетаси бош муҳаррири:

— Муассислар учун республика даражасида босма нашрни таъсис этишда энг кам тираж (масалан, 10 000 нускадан)ни шакллантириш масъулияти белгиланиши керак. Қолаверса, босма нашрларни етказ-

лаб ташкилотлар рўйхатлари шакллантирилиб, керак бўлса, улар босма нашрлар обунаси учун зарур бўлган маблағ билан давлат ҳисобидан таъминланиши лозим. Иккинчидан, газета тарқатиш масаласи узи-қизи ҳал қилиниши шарт. Ҳозирги аҳвол сақланиб қоладиган бўлса, газетанинг на теъкорлиги, на унда кўтарилаётган мавзуларнинг долзарблиги кутулган самарани бермайдими. Учинчидан, газеталар муассисларнинг тахририятлар олдидagi жавобгарлиги ҳам молиявий, ҳам маънавий жиҳатдан кўриб чиқилиши лозим. Биз ҳам мажбу-

риқ обунага қаршимиз. Шу билан биргаликда, газеталарни одамлар ўқишини истаймиз.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, газеталар кўтарилган муаммоларга мутасадди ҳокимликларнинг ўз вақтида жавоб беришларини таъминлаш зарур. Бунинг учун Ахборот ва оммавий коммуникация агентлиги ёки Журналистлар уюшмаси қошида мониторинг ташкили этилиши, унда газеталарда чиқариётган муаммолар мақолаларга ташкилотларнинг жавоблари назоратга олинishi керак. Ана шунда жамиятимизни ислоҳ этишда матбуотнинг

Тарқатиш тизими абгор ҳолатда

тача 4-5 минг нафар аҳоли яшашини инобатга оладиган бўлса, бир хабарчи қандай қилиб 15-20 минг аҳолига оид хат-хабар, жўнатмалар ва газета-журналларни элтиб беришига улгуради? Тасаввур қилинг: хабарчиларнинг хизмат улови йўқ. Энг яхши ҳолатда айрим хабарчиларга велосипед олиб берилган. Қолган катта қисми эса пўёда. Тадбирда иштирок этганлардан бири ўйимга бир ойда бир марта ой давомида чоп этилган газеталарни йиғиб олиб келиб беришяпти, деб айтиб қолди. Бундай вазиятда биз куйиб-пишиб чиқариётган газеталарнинг теъкорлиги қаерда қоляпти? Менимча, матбуотни ривожлантириш масаласи қанчалик долзарб бўлса, матбуот тарқатиш тизимини ривожлантириш, ислоҳ қилиш ҳам шунча-

Имтиёз зарур

— Давлат томонидан қўллаб-қувватланса... даламмиёзимиз? Ахир, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохлардан аҳолини хабардор этишда ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлашда босма нашрлар ҳам муҳим ўрин тутуши ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги давлат бюджетидан молиялаштирилади. Уларнинг вазифаси ҳам босма нашрлар билан бир хил — аҳолига халис ва ҳаққоний ахборот етказиш. Кейинги пайтларда босма нашрларда кўтарилаётган долзарб муаммолар ва уларнинг ечимини борасида берилаётган мақолалар босма нашр-

Янги амалиётлар киритилса...

— Имтиёз зарур зим ходимларига ўз вақтида етказиб борилиши таъминлашдаги ўрнини назарда тутган ҳолда, муассис савб-ҳаракати (кўрсатма, фармойиш) асосида ходимлар ўртасида обуна ташкили этилишига мажбурий обуна сифатида баҳоланмаслигини белгилаб қўйиш лозим.

Кўпчилик соҳа ходимларига бўлгани каби журналистларнинг уй-жой ёки автомашина сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳам бугунги кун талаби деб ҳисоблайман.

ларнинг олдинги «тез ўқиладиган» мақомидан анча юксалганини исботлаб турибди. Ижтимоий-сиёсий нашрлар ҳозирда сифат ва самара учун жиҳдий курашмоқда ва маълум маънода бунга эришяпти. Шундай экан, ижтимоий-сиёсий нашрларнинг давлат бюджети параметрларидан молиялаштирилиши ёки қўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда бугунги куннинг долзарб муаммоси — обуна масаласига тўхталмоқчиман. Шаҳсан мен «мажбурий обуна»га қаршиман. Аммо бошланғич синф ўқувчиси болалар нашрларини ўқиши керакми? Албатта, керак. Аммо у қаердан билади обуна бўлиши кераклигини? Демак, биз

катталар уларни болалар нашрларига обуна қилишимиз, тушунтиришимиз зарур.

Матбуотни тарқатиш ва почта масаласи ҳам долзарб. Биргина мисол: «Ўзбекистон почтаси» АЖ «Нуроний» газетаси тахририятдан бугунги кунда 600 миллион сўм миқдорда қарз. Обуначилар йил бошида уларга тўлаган пулларини йил охирига келиб ҳам тахририятга ўтказиб беришгани йўқ. Натжижада, тахририятларнинг ходимлар иш ҳақи ва босмаҳоналардан миллионлаб сўмлик қарздорлиги юзага келди. Бундай вазиятда мажбурий тарқатиш маъносида эътибор қаратилиши лозим, деб ўйлайман.

Ҳар бир хонадонга газета ва журнал

— Туман ва вилоятларда айрим газеталар муассисларнинг эътиборсизлиги оқибатида ёпилиб кетаяпти. Бу қонун ёки меъёрий ҳужжатларда уларнинг масъулияти белгиланмагани тўғрисида. Туман газеталари ҳам ўша ҳудуднинг ютуқлари, оғриқлари ва муаммоларини кўрсатадиган кўзга, ҳокимлар бу кўзгадан унутли фойдаланиши, уларнинг яшаб қолиши учун курашиши керак. Босма ОАВ тўғрисидаги меъёрий ҳужжатда туман ва вилоят газеталарининг муассислари, уларнинг вазифалари кўрсатилса, айни мuddа бўлар эди. Яқинда вилоятлардан бирида хизмат сафарига бўлганимизда бир мактабда 5 нафар она тили ва адабиёт ўқитувчиси меҳнат қилаётгани маълум бўлди. Аммо уларнинг қўлига биронта ҳам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси етиб бормайди. Ҳатто, ишонасизми, улардан бири Ўзбекистонда «Ташкилот», «Маънавий ҳаёт» деган журналлар чоп этилаётганидан беҳабарлигини эшитиб ачиндим. Аксинча, таълимга алоқаси йўқ нуфузли нашрлардан бирига мажбурий тарзда 50 тагача обуна бўлиши бўлди.

Энди ўйлаб кўринг: адабиёт ўқитувчиси адабиётдан йироқ бўлса, бугунги кун адабиётини янги-

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
«XXI аср» газетаси бош муҳаррири:

ликлар, ёзувчиларнинг янги асарларини хабардор бўлмас, у қандай қилиб яхши педагог бўлади? У ўқитган ўқувчи қандай қилиб олий ўқув юртига кириш имтиҳонига адабиётдан берилган саволларга тўлақонли жавоб беради?

Маънавий ўқитишнинг ўрнини тўлдирish жуда мушкул. Шу боис, баён этилган фикр-мулоҳазалар ҳалқимиз келажакга дахлдор. Таклифим, «Ҳар бир хонадонга газета ва журнал» ҳақида кўтариб чиқишимиз керак. Ҳалқимизни китобхонликка қизиқтириш қанчалик муҳим бўлса, газетхонлик ҳам шунчалик муҳим масаладир. Чунки матбуот инқирози 3-4 минг журналистнинг молиявий даромдини бироз пасайтирган-дир, аммо бундан кўпроқ зарарни халқимиз, фарзандларимиз кўрмоқда. Маънавият ва маърифат кўзгуси бўлган газета ва журналларнинг хонадонларга кириб бормаслиги улкан маънавий ўқотишдир.

Давра сўхбатини Зебо НАМЗООВА
ёзиб олди

— Мамлакатимиз қонунчилигида фуқароларнинг меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш ҳуқуқига кафолатланган. Бироқ амалиётда айрим мансабдор шахслар ҳали ҳам эски иш услубидан воз кечмагани, қонунни менсимаслиги оқибатида нафақат фуқаролар, балки жамиятдаги бошқарув тартибларига зарар етказиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

— Мамлакатимиз қонунчилигида фуқароларнинг меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш ҳуқуқига кафолатланган. Бироқ амалиётда айрим мансабдор шахслар ҳали ҳам эски иш услубидан воз кечмагани, қонунни менсимаслиги оқибатида нафақат фуқаролар, балки жамиятдаги бошқарув тартибларига зарар етказиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

— Мамлакатимиз қонунчилигида фуқароларнинг меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш ҳуқуқига кафолатланган. Бироқ амалиётда айрим мансабдор шахслар ҳали ҳам эски иш услубидан воз кечмагани, қонунни менсимаслиги оқибатида нафақат фуқаролар, балки жамиятдаги бошқарув тартибларига зарар етказиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

«Best realtor» МЧЖ Фаргона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

— Мамлакатимиз қонунчилигида фуқароларнинг меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш ҳуқуқига кафолатланган. Бироқ амалиётда айрим мансабдор шахслар ҳали ҳам эски иш услубидан воз кечмагани, қонунни менсимаслиги оқибатида нафақат фуқаролар, балки жамиятдаги бошқарув тартибларига зарар етказиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Эълон

— Мамлакатимиз қонунчилигида фуқароларнинг меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш ҳуқуқига кафолатланган. Бироқ амалиётда айрим мансабдор шахслар ҳали ҳам эски иш услубидан воз кечмагани, қонунни менсимаслиги оқибатида нафақат фуқаролар, балки жамиятдаги бошқарув тартибларига зарар етказиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Эълон

— Мамлакатимиз қонунчилигида фуқароларнинг меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш ҳуқуқига кафолатланган. Бироқ амалиётда айрим мансабдор шахслар ҳали ҳам эски иш услубидан воз кечмагани, қонунни менсимаслиги оқибатида нафақат фуқаролар, балки жамиятдаги бошқарув тартибларига зарар етказиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Халқимиз нонни улугъ неъмат ҳисоблайди. Донни азиз тутати. Унинг увол бўлишига йўл қўймайди.

ДОНА ДОНДА ХИРМОН БАРАКАСИ

ёхуд жорий йилги ғалла ўрими-йиғими мавсуми таҳлили нималарни кўрсатмоқда?

Бир киши кўшнисининг олдида дон қарз сўраб борибди. У томда ғалла совураётган экан. Шунда бир донга буғдой юмалаб ерга тушибди. Буни кўрган кўшни паства тушиб, боғи буғдой донасини топиб, хирмонга кўшибди. Кузатиб турган киши қарз сўрагани юраги чопмай орта қайта бошлади. Шунда кўшни уни тўхташиб, мақсадини билгач, бир халта буғдой берибди. Бундан ажабланган киши «бир донга дон учун томдан тушдинг-у, менга бир халта буғдойни қандай қилиб бериб юборясан?» дея сўрабди. Шунда кўшни «улкан хирмоннинг баракасини бир донга буғдой белгилайди-да» деган экан.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика вазирлиги қилиш инспекцияси амалга ошираётган ишларда ҳам шу тамойил устувор. Жорий йил ғалла

ҳосилини йиғиштириб олиш мавсуми таҳлили ҳам буни исбот этади.

Мавсум арафасида «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясига қарашли 190 та корхона, филиал ва шохобчаларни мавсумга тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор берилди. Давлат эҳтиёжи учун дон қабул қиладиган корхоналар рўйхати шакллантирилиб, унинг дислокацияси тасдиқланди. Унга асосан давлат ресурси учун 3 миллион 260 минг тонна бошоқли дон, 2 миллион 957 минг 177 тонна товар ва 303 минг 45 тонна уруғлик дон қабул қилиш бўйича фермер ҳўжаликлари билан шартномалар тузилди.

«Ўзагроинспекция» дон корхоналарида мавсумга тайёрларлик ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил қилиб, камчиликларни бартараф этиш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқди.

Сарҳисоб

«Ғалла штаблари» учун аниқ вазифалар белгилаб берилди. Дон қабул қилиш корхоналарига инспекциянинг 191 нафар малакали ходими бириктирилди.

Бундан ташқари, ўрими-йиғими даврида донни сифатли қабул қилиш, ўз вақтида жойлаштириш, ўрилган донни корхоналар ва шохобчаларда ўлчовдан ўтказишда автоуловларнинг беҳуда туриб қолмаслига бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилиб, юзага келган муаммолар жойида бартараф этилди.

Бу йил об-ҳавонинг мўътадат келгани ғалланинг сифати, жумладан, табиий оғирлиги, ёпишқоқлик миқдори кўрсаткичлари ошишига омил бўлди.

Давлат ресурсида сақланаётган доннинг сифатли сақланиши, оқилона фойдаланилиши ва белгиланиган мақсадларга ишлатилиши, халқимизнинг сифатли ун маҳсулотлари билан таъминлаш фаолиятимизнинг истиқболдаги асосий мезонидир.

Камол АХМЕДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика вазирлиги қилиш инспекцияси бўлим бошлиги



«Ishonch»га жавоб берадилар

Тушунтириш ишлари олиб борилмоқда

«Ishonch» газетасининг шу йил 14 сентябрь кунги сонидида чоп этилган «Тириклик таназзули» сарлавҳали мақолага Ўзбекистон мусулмонлари идораси шундай муносабат билдирди:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб келмоқда. Жумладан, жорий йилда имом-хатиб ва ноиб имомлар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасалари, мактаблар, турли ташкилотлар ва маҳаллаларда ўз жонига қасд қилишнинг жамият учун муҳим оқибатларига бағишланган 4000 дан зиёд маърузалар қилишди. Бу борадаги тушунтириш ишларига доимий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 13 сентябрь кунги «Ўз жонига қасд қилиш оғир гуноҳ» мавзусида жума тезиси тайёрланиб, барча масжидларда намозхонларга маълумот берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлар бўлими мудир А.Қаномовнинг «Ўз жонига қасд қилиш оғир гуноҳ» номли китоби нашр қилиниб, маҳаллалар, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига тарқатилди.

Маълумот учун айтиш жоизки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси 2011 йил 10 июнда «Ўз-ўзини турли йўللار билан қасдан ўлдиришнинг оғир гуноҳ» экани ҳақида фатвои эълон қилган. Унда масалага дахлдор барча жиҳатлар тўлиқ баён этилган.

Раис ўринбосари **Ў.ҲАСАНБОВ**

Сирдарё вилояти **Ҳуқуқий ёрдам**

Иш ҳақлари ундирилди

Мамлакатимиз қонунчилигида фуқароларнинг меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш ҳуқуқига кафолатланган. Бироқ амалиётда айрим мансабдор шахслар ҳали ҳам эски иш услубидан воз кечмагани, қонунни менсимаслиги оқибатида нафақат фуқаролар, балки жамиятдаги бошқарув тартибларига зарар етказиш ҳолатлари ҳам учраб туради.


Гулистонлик Ҳасан Бойназаров иш жойидан меҳнат ҳақини ололмаган. У бу ҳақда адлия идораларига мурожаат этгандан сўнг Гулистон шаҳар адлия бўлими фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суднинг шу йил 13 майдаги буйруғига асосан, унга «Агроким» станцияси Сирдарё филиали» МЧЖдан 23963694 сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Гулистонлик Музафар Исаева ҳам «Гулистон 2535-сонли автожамланмаси» МЧЖ 9140200 сўмлик иш ҳақи тўламаган. Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг жорий йил 10 июндаги буйруғи билан даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Гулистон шаҳар адлия бўлими кўмағида Дилшод Шокирова ҳам шу тартибда Сирдарё давлат ўрмон ҳўжалигидан 1605305 сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Таянчлик жоизки, инсоннинг меҳнат қилиш ва дам олиш ҳуқуқи Конституцияда тўлиқ кафолатланган бўлиб, уни ҳеч кимнинг поймол этишига ҳақи йўқ. Ҳуқуқий давлат ва овоз жамиятнинг негизиде инсон ҳуқуқи олий қадрият ҳисобланади.

Назар ҚАРШИБОВ,
Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиги



лам топилган. Археологлар берган маълумотга суянадиган бўлсак, жун ва пахтадан ишланган матолар шу ернинг ўзида тўқилган, ипак матолар эса «Буяқ ипак йўли» орқали Хитойдан олиб келинган. Е.Е.Неузикнинг таъкидлашича, топилган газламалар жуда нафис нақш ва турли ранглр билан безатилган. Шунингдек, кўплаб тақинчоқлар, аёл-қизлар учун марварид қўйилган тўрт қиррали олтин сирга, кўкракка тақилдиган олтин зебигардон, марварид ва суяқдан ишланган мунчоқлар ва бош кийим чўтканинг топилиши қадим момоларимиз, уй бекалари ва қизларнинг кийиниш маданияти, диди қанчалар юксак бўлганидан далолатдир.

Қалъадан топилган энг аҳамиятли

(1855-1930й.) милотдан аввалги 355 йилгача бўлган қадимги Шарқ цивилизацияси ҳақида «История древности» китобида Урта Осиёда милотдан аввалги IV асрда феодализм жамияти бўлганини баён этган. 1938 йили инглиз тарихчи-тадқиқотчиси В.В.Терн македониялик Искандар (милотдан аввалги 356-323 й.й.)дан аввалги даврда сўғдийларда «феодал лордлар» ва «баронлар» ҳатто Геродот (милотдан аввалги V аср) давридаги варвар-массагетларда, яъни хоразмликларда «феодал аристократияси» бўлганини кўрсатган. Демак, Тупроққалъадан топилган ва археологлар, «Тарихий тилга киритган ёзув», дея атаган қадимий Хоразм алифбосида ёзилган давлат ҳужжатлари, Ўзбекистон за-

ган супада 27 ҳайкал – зардуштийлик дини олий илоҳи Ахураш Маздаҳ ва турли илоҳларнинг ҳайкаллари ўрнатилганини гапириб берган эди. Бу, бир томондан, давлатни ва динни ҳам шонинг ўзи бошқарганини билдирса, иккинчи томондан, ҳайкалларнинг шундай жойлаштирилиши 32 йиллик тизимдаги қадимги Хоразм календари билан боғлиқ. Бу календарь Сатурн юлдузининг Куёш атрофида 32 йилда бир марта айланишига асосан тузилган. Ҳар йил 365 кун, 12 ой, ҳар ой 30 кундан иборат бўлган. Ойнинг 30 куни зардуштийлик динидаги олий илоҳ Ахураш Маздаҳнинг тўрт исми ва 26 илоҳ номи билан аталган. Шу боис, супада 27 ҳайкал ўрнатилган. Юртимизда ҳайкалтарошлик ҳам жуда қадимий бўлиб, илми-фан, маданият ва дин билан бевосита боғлиқ бўлган. Ҳайкаллар зардуштийлик аъёнлари билан ҳамбаркас эди. Ушбу маълумотлар айрим олимларнинг, «Марказий Осиёда ҳайкалтарошлик буддавийлик асосида пайдо бўлган», деган фикрларини бутунлай йўққа чиқаради.

МУШТАРАК МАДАНИЯТЛАР ЧОРРАҲАСИ

Юртимизнинг қадимий, бой тарихини дунёга танитган таниқли археолог-тарихчи олим С.П.Толстов «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» китобида, «Хоразмнинг деярли барча қадимги қалъалари мудофаа тизими, кўҳна Миср ва қадимий Шумердан тортиб Оссурия, Аҳмонийлар Эронига қадар – классик Шарқ истеҳкомлари аъёнларини яққол гавдалантиради», дея кўрсатган. Ушбу хулоса Ўзбекистон заминида тарихий маданий тараққиёт, жумладан, қалъалар қурилишининг жуда қадимийлиги ва жаҳоншумул аҳамиятга молик эканидан далолатдир.

Юқоридагилардан хулоса шуки, бундан 4000-5000 йиллар аввал ажодларимиз юксак илм-фан, маданият, хунар-мандчилик билан қатор меъморчилик ва мукамал санъат асарларини яратиб дунёга ёйганлар. Буни жаҳон тарихий тараққиёти билан таққослайдиган бўлсак, Миср, Византия, Юнонистон, Рим, Жанубий Урал, Оссурия, Месопотамия, Парфия, Эрон, Қора денгиз шимоли мамлакатлари, айниса, Ҳиндистон билан қадимги хоразмликлар ўртасида яқин алоқалар бўлгани ҳам гўё фикримизни тасдиқдан ўтказгандек бўлади. Ушбу давлатлар ҳудудларида бунёд этилган кўҳна қалъаларнинг қурилиш архитектураси, технологияси, платформаси ва бадиийлигидаги ўхшашликлар ҳам бежиз эмас.

Шунингдек, Кўйқирилганқалъа расадхонасидан археологлар топган астрономик асбоб-уқунларнинг шакли ва сиемаси Мисрдаги Дендер расадхонасиданги уқунларга айнан ўхшаши, Мисрда милотдан аввалги XIV асрда яратилган 365 кунлик календарь билан қадимги Хоразм календарининг бир хил экани ва бошқа археологик топилмалардаги ўхшашликлар хулосамизнинг ҳақиқий исботидир.

Биз туман ҳудудидаги бир меъморий иншоот ҳақида сўз юритдик. Ҳолбуки, бу заминда яна ўнлаб, балки юзлаб шундай улуг тарихга эга ёдгорликлар бор. Гап энди уни чуқур ўрганишда. Тарихий маълумотларда қалъалар атрофида кенз узумзорлар бўлгани, сугорма деҳқончиликнинг ўзига хос усуллари тараққий этгани батафсил ахт этирилган.

Президентимизнинг «Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буяқ алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказиб билишимиз керак», деган сўзлари ўз рўёбини топмоқда. Буни Эллиққалъа туманидаги тарихий ўрганиш, уни жаҳонга кўрсатиш, бунинг учун дастур ишлаб чиқиши, амалиётга татбиқ этиш борасидаги ишлар намоян этилади.

Самандар ИСМОИЛОВ,
муштақил илмий тадқиқотчи – тарихчи

ШАҲАР ТАВСИФИ

Тупроққалъа 350х500 метр ўлчамдаги (майдони 17,5 га.) тўғри тўртбурчакли шаҳар бўлган. Баланглиги 8 метр, икки қаторли қалин девор билан ўралган. Деворлар бўйлаб квадрат шаклдаги буржлар ҳамда ташқи деворнинг юқори қисмида мукамал услубда ишланган найзасимон шинаклар бўй чўзган. У икки қисмдан – кўрғон ва Шоҳлар саройидан иборат бўлиб, кўрғонга жанубий томондан кирилган. Шу ердан бошланган эни 10 метрли катта кўча орқали шаҳристонга, ибодатхонага, бозорга ва Шоҳлар саройига ўтилган. Шаҳристон 11 даҳага (квартал) бўлиниб, 200дан кўпроқ хонадон жойлаштирилган. Дарвозадан кираверишда, ўнг томонда шисасозлик, темирчилик, тўқимачилик, каштачилик, заргарлик ва бошқа хунармандчилик устaxonалари фаолият кўрсатган.

Қалъанинг шимоли-ғарбий қисмида майдони 80х80 метрли Шоҳлар саройи ҳамда ҳар бири 40х40 метрли уч бурж минора қад кўтарган. Сарой 16 метр баланд кўтарилган тагсуна – пирамидасимон тепалик устига қурилган. Унинг баландлиги 25 метрга етган. Саройда 8 зал, 100 дан ортиқ хона бўлган. Беқиёс ҳашаматли саройнинг ҳар бир зали ва хоналари ганчкор, ўймакорлик нақшлари ҳамда деворий тасвиқлар билан нафосатли ва юксак дид билан безатилган.

КРЕМЛЬ ЛОЙИҲАСИ ТУПРОҚҚАЛЪАДАН ОЛИНГАН(МИ?)

Тарихий маълумотларда юртимиз ҳудудида милотий VI асрда Бухоро яқинидаги Варахша қалъасини қайта қуришда илк бор пишган гиштдан фойдаланилган кўрсатилган. Тупроққалъа қурилишида эса ундан каммида 800 йиллар аввал пишган гишт ишлатилгани тарихимиз учун ағлилик. Ва ўша даврдаёқ Тупроққалъада одамлар сопол сув қувири ва канализациядан фойдаланишган.

Қалъадан икки километр узоқликда ҳарбий гарнизон – Қизилқалъа жойлашган. Қалъалар ўртасида ер ости йўли бўлган.

С.Толстовнинг «Қадимги Хоразмдаги бинолар томини гум-бази бостирш ва меъморчилик услуби Византия орқали Римгача ўтиб борган», деган фикри тарихимиз учун ўта асосли ва адолатли манба ҳамда юксак баҳо ҳисобланади.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, Тупроққалъанинг қурилиш жойи ва лойини танлашдан то лойиҳасини тайёрлаш ҳамда қурилишини битказишга

ишларни амалга оширишда математика, геометрия, физика, астрономия, сейсмология, гидрология ва минерология каби фанлардан фойдаланилгани кўри-ниб турибди. Ишлатилган бинокорлик хомашёлари ва бажарилган қурилиш ишлари ниҳоятда сифатли бўлгани боис, қалъа деворлари минг йиллар давомида қор-ёмғир, шамол ва куёш нурига бардош бериб келмоқда.


1990 йил декабрь ойида Москвага, Миклухо-Маклай номидаги этнография институтига бориб, воҳамизда кўп йиллар археологик қазишмалар олиб борган олимлар Ю.А.Роппорт, Е.Е.Неузиклар билан суҳбатлашганимизда, улар Тупроққалъа меъморчилиги, айниқса, деворларнинг безатилиши нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон меъморчилигининг энг юксак намунаси бўлганини таъкидлашганди. Ҳатто Кремль деворининг лойиҳаси (андозаси) Тупроққалъадан олинганини эшитиб, ҳайратда қолгандик.

«КУМУШ КУБОК» СОҲИБИ

Аждодларимиз яратган меъморчилик намуналари, тоғ тошига, мрамарга нақшкор ишлов бериш технологиясини моҳирона ўзлаштиргани, яъни тошдан санъат асарини яратиб, унга беқиёс нафосат бериш хунарини бекамми-кўст эгалагани жажон олимларини бун-гур ҳам лол қолдирмоқда.

Қалъадан топилган кулолчилик буюмлари, идишларнинг ишланиш услуби, шакли ва безаклари ҳозиргача фойдаланиб келинаётган хум, кўза, кўзача, тувак, лаган ва товоқларга жуда ўхшаш бўлган. Шунингдек, силлиқла-ниб, ўйма нақш кўйиб ишланган рангли шиша идишлар билан кўзгуларнинг топилиши, ўша даврдаёқ шисасозлик хунарининг ниҳоятда ривожланганидан дарак беради.

Тупроққалъадан жун, ипак ва пахтадан тайёрланган газламалар, рангли гитаника



буюмлардан яна бири, бу спорт мусобақаси гойиблари учун кумушдан ишланган кубокдир. Демак, воҳада бундан икки минг беш юз, балки ундан ҳам илгарироқ спорт ўйинларини ўтказишга катта эътибор берилган.

ТАРИХИЙ ТИЛГА КИРИТГАН ЁЗУВЛАР

Тупроққалъанинг жануби-ғарбий томонида 1000х1250 метр майдонда девор билан ўралган ҳарбий машқ узатиш учун махсус жой бўлган. Байрам кунлари, халқ сайллари ва спорт мусобақалари каби оммавий томошалар ўтказилиб турилган. «Наврў» ва «Сада» каби ўша даврларда аънамага айланган умумхалқ сайлларининг бизгача етиб келгани, бебаҳо маданий ва маънавий қадриятларининг умрбоқийлигининг намунаси дидр.

Қалъадан топилган юздан ортиқ ёзма ҳужжатлардаги «солиқ тўловчилар, аҳоли сони рўйхатлари» беҳитиёр кишини мушоҳадага чорлайди. Ваҳоланки, «Ўзбекистон тарихи» ва «Жажон тарихи» китобларида милотий V асрдага қулдорлик тизими бўлган, дея кўрсатилган. Аммо қуллардан солиқ олинмаслиги ишончли манбалардан маълум. Тупроққалъа 305 йилгача Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти бўлгани ва ўша даврларда Артав, Артамўҳ ва Воламаршоҳлар сулолалари ҳукмронлик қилганини биламиз. Шу ўринда IV асрдача ҳудудда қандай тарихий жамият бўлган, деган савол пайдо бўлади.

Таниқли немис олими Эдуард Мейер

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ

ёхуд Эллиққалъа қалъаларининг сирли садолари дунё сайёҳларини ўзига чорлайди

Ўрнакка муносиб ташаббус

Ғаллаорол туманида хайрли ташаббус қулоч ёймоқда. Гап шундаки, бундан бир неча йил олдин Муллабулоқ қишлоғида Абдуқодир ота Сангировнинг уй-музеини ташкил этилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу ерда араб, кирилл ва лотин алифболарида чоп этилган икки мингдан зиёд турли китоблар ва бир қанча газета-журналлар тахлamlари мавжуд.

Уларда ўтган асрдаги саводсизликни тутғиши, иккинчи жаҳон уруши йиллари фронт ортидаги машаққатли ҳаёт, урушдан кейинги йиллардаги бунёдкорлик ишлари ҳақида қизиқарли мақола ва фотолар ҳамда этилган. Музей хоналари мўътадил ҳаво ҳароратига мослаштирилгани учун китоб, газета ва журналлар яхши сақланган. Улардан қишлоқ аҳли кенг фойдаланмоқда.

Ғаллаороллик Маҳмуд Шомирзаев, Абдулҳакам Шакарбоев, Гул-

нора Мансурова каби фахрий пелдаглар уйда ҳам 2-2,5 мингтадан зиёд бадиий, илмий ва сиесий адабиётлар мавжуд. Яқинда улар ҳам бисотлариданги ноёб хазиналарни китобсеварлар ихтиёрига топширишди.

57-умумтаълим мактабида эса тарих фани ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Саттор Ҳайитбоевнинг

ташаббуси ва саяъ-ҳаракати билан тарих музейи фаолият юритмоқда. Музейда олти мингдан зиёд экспонат мавжуд бўлиб, улар тўрт қисмга ажратилган. Жумладан, «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқларнинг урушгача ҳамда урушдан кейинги йилларда хўжалик иқтисодиёти, ижтимоий-сиесий ҳаёти ва юксалиш тараққиёти ҳақидаги кўплаб ди-

аграмма, фотосурат, альбом ва буклетлар ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмайди. Бу ерда қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда фойдаланилган дастлабки техника воситалари ва асбоб-уқунлар, қишлоқлардаги маориф ва маданиятнинг юксалиши тўғрисидаги ўттизга яқин ноёб ҳужжатлар билан танишиш мумкин.

Шуниси қувонарлики, музей қо-

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Она тилим ўлмайди

Нотиқ деди:
«Тақдир шул,
Бу жаҳоний ирода.
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда».
«Эй воиз, настга тушгин,
Бу гап чиқди қаердан!»
Навоий билан Пушкин
Туриб келди қабрдан.
Ким дарғазаб,
Ким ҳайрон,
Чиқиб келдилар қатор:
Данте, Шиллер ва Байрон,
Фирдавсий, Бальзак, Тагор.
«Возинени кўй, биродар,
Сен айтаганин бўлмайди».
Барча деди баробар:
«Она тилим ўлмайди».
– Ҳей, бу қандай ақида! –
Қўлида табаррук жом,
Гўзал форсий ҳақида
Рубоий айтди Хайём.
Эҳтиросли, оташдил
Беранже сўрди нолон:
– Наҳотки, фаранг тил
Йўқолуси бир замон!
Неруда, Лорка турди
Сервантеснинг ёнига:
– Ким қасд этиб тил урди
Она тилим жонига!
Фузулий ёнди:
– Озар
Тили гулдек сўлмайди.
Барча деди баробар:
«Она тилим ўлмайди».
Камалакдек ранго-ранг
Бўлсин деб санъат, тиллар,
Асрларча қилдик жанг,
Армон қилдик минг йиллар.
Бекқадр бўлса, наҳот,
Тиллардаги тароват!
Йўқолди бу кун, ҳайҳот,
Қабрларда ҳаловат!
«Фауст» ёнди гуриллаб,
«Хамса» ўтга туташиди.
Бир садо жаҳон бўйлаб
Таралди, тоғлар ошиди.
Бу садо янгар ҳамон,
Сира адо бўлмайди.
Олам айтар:
Ҳеч қачон
Она тилим ўлмайди!

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Жиззах вилояти

Ғаллаорол туманида хайрли ташаббус қулоч ёймоқда. Гап шундаки, бундан бир неча йил олдин Муллабулоқ қишлоғида Абдуқодир ота Сангировнинг уй-музеини ташкил этилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу ерда араб, кирилл ва лотин алифболарида чоп этилган икки мингдан зиёд турли китоблар ва бир қанча газета-журналлар тахлamlари мавжуд.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

2017 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Таҳририят хисобчонами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк номи: 00959, СТИР: 201133889, ОКЯД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қацқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Эзгулик

шида «Ёш филателистлар» тўрагаги ҳам ишлаб турибди. Тўрага аззолари тўплаган бири-бирига ўхшамайдиган турли белгилар, ёрликлар, почта маркалари, ўтмишда қўлланилган қоғоз пул ҳамда тангалар кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бундай хайрли ташаббус тез орада аънамага айланса, ажаб эмас. Чунки эзгулик йўлидаги ҳар бир интилиш ҳавас қилиш ва ўрнак олишга муносибдир.

Абдулла САИДОВ

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусакхши:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎА яқини – 0120
Топширилди – 0140

Газета офсет усулида,
А 2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табок.
Буюртма Ғ – 1017.
27692 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5